


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

УЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.

Таҳрир хайъати: и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.

© *Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020*

54.	Қаршибоева А.Ғ	Рақамли иқтисодиётда электрон шаклда хужжатлар алмашинуви ва электрон хужжат афзалликлари	206
55.	И.З.Юлдашева М.А. Миралиева	Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳитини таъминланишининг етакчи омили	209
56.	Назарова В.Х.	Применение информационных технологий в развитии маркетинговых коммуникаций на городском общественном пассажирском транспорте	211
57.	Норов А. Р., Норова Н. Н.,	Рақамли иқтисодиёт банкларда соғлом рақобат муҳитини таъминланишининг етакчи омили	214
58.	Пирназарова Г.У. Ли М.Р	Маркетинговая логистика как ведущий фактор повышения конкуренто- способности предприятий	217
59.	Рустамов Н.И.	Миллий иқтисодиётнинг рақобат-бардошлигини ошириш йўллари	220
60.	Sottorov Sh. U.	Real sektor tarmoqlarida raqamli iqtisodiyotning roli	223
61.	Ситмуратов Ш.Т. Досымбетова Ф.С.	Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва унинг имкониятлари	225
62.	Таженова Г. Е., Исаков И. Ж.	Пути решения проблем, связанных с финансированием экспорта сельскохозяйственной продукции	228
63.	Карлибаева Р.Х., Таспанова А.К.	Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати	229
64.	Ташбоев Б	Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш усуллари	235
65.	Темиров Ш.О.	Кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда рақобат стратегияларини қўллашнинг аҳамияти	239
66.	А.Умарходжаева	Формирование и развитие конкуренто-способных агрокластеров	241
67.	Усманов А. С.	Принципы разработки стратегии развития конкуренции и формирования конкурентной среды	244
68.	Ходжиақбарова З.Ф.	Проблемы развития цифровой экономики в республике узбекистан	246
69.	Холдоров Ў.Ш.	Коронавирус пандемияси оқибатидаги инқироздан кейин тикланишда туризм соҳасини рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари	248

Новая добавленная стоимость сетей	41 767,0	48 552,4	102,1	0,5
промышленность	41 548,5	60 601,6	106,9	1,6
строительство	11 226,7	15 215,9	120,0	1,3
Коммерческие услуги размещения и питания	12 178,2	14 360,7	104,1	0,3
Транспортировка хранение, информация и связь	14 170,4	16 401,6	105,1	0,4
Другие сервисные сети	32 383,1	44 725,3	105,4	1,0
Чистые налоги на продукты	22 093,6	22 164,5	105,9	0,7

Источник: Социально-экономическая ситуация в Республике Узбекистан.

Из таблицы видно, что ВВП по видам экономической деятельности вырос на 5,8 %. Из таблицы видно, что в 2018-2019 годах доля кредитов на экспорт сельскохозяйственной продукции в общем объеме кредитов сельскому хозяйству увеличилась. Это позитивное событие с точки зрения совершенствования практики финансирования экспорта сельскохозяйственной продукции. Четко определяя цели и задачи предприятий-экспортеров по эффективному использованию и расширению экспортного потенциала страны, формирование экспортных стратегий, основанных на направлениях их реализации, поможет предприятиям правильно определить свое место и положение в современной высококонкурентной среде.

В результате мер, принятых в последние годы для диверсификации и повышения конкурентоспособности секторов экономики, кризис в мировой экономике все еще продолжается, а низкие цены на мировых рынках снизили влияние на основные экспортные сектора страны.

*Р.Х. Карлибаева и.ф.д., профессор, ТДИУ
А.К. Таспанова тадқиқотчи, PhD., ҚорДУ*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ДИВИДЕНД СИЁСАТИ

Рақамли иқтисодий ривожлантиришда акциядорлик жамиятларининг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, асбоб-ускуналарни алмаштириш ва маҳсулот сифатини ошириш учун кўшимча маблағлар зарурлиги сабабли, компаниялар раҳбарияти уларни топиш масаласини кўтаради. Бунинг ечими эса банк кредитини олиш, облигациялар ёки акциялар чиқариши мумкин.

Кредит фоизларни тўлашни, облигациялар фоиз тўлашни талаб қилади, акциялар эса қарз юқини оширмасдан кўшимча маблағларни жалб қилиш имконини беради, бу эса кўп ҳолатларда жозибадор ҳисобланади. Шу сабабли, акциядорлик жамиятлари (АЖ) ҳозирги шароитда қулай корхоналардан биридир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон фонд бозори дунёдаги энг ёш бозорлардан бири бўлиб, ривожланган мамлакатларнинг аксариятида у бир неча ўн йиллар ва ҳатто асрлар давомида фаол ривожланиб келмоқда. Мамлакатимизда фонд

бозори мавжуд ва 27 йилдан ортиқ вақтдан бери ишлаб келмоқда. Баъзи бир акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини амалга оширишда ижобий тажрибага эга, аммо аксарият акциядорлик жамиятлари учун бу ҳали ҳам муваффақиятли эмас.

Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати корхонанинг соф фойдасини ёки унинг бир қисмини акциядорлар ўртасида дивиденд шаклида тақсимлашни белгилайди. «Дивиденд сиёсати» атамаси акциядорлик жамиятларида фойданинг тақсимланиши билан бевосита боғлиқ.

Акциядорлик жамиятида фойдани тақсимлаш унинг энг мураккаб жараёни ҳисобланади, шу сабабли ушбу механизмнинг самарали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

«Дивиденд сиёсати» атамасининг кенгроқ талқинида мулкдорнинг корхона ўз капитали умумий суммасига қўшган ҳиссасига мувофиқ унга тўланадиган фойда улушини шакллантириш механизми тушунлади.

Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишнинг асосий мақсади мулкдорларнинг жорий фойдани истеъмол қилиши ва унинг корхона бозор қийматини максимал қилувчи ва унинг стратегик ривожланишини таъминловчи келажакдаги ўсиши ўртасида зарур пропорционалик ўрнатиш ҳисобланади.

ДИВИДЕНД СИЁСАТИ	
Дивиденд сиёсатининг роли	Дивиденд сиёсатининг мақсади
-инвесторлар билан муносабатларга таъсир этади; -ташқи молиялаштириш ҳажмига аниқлик киратади; -акциядорлик жамиятлари пул оқимлари ҳаракатига таъсир этади	-мулкдорлар томонидан жорий фойда истеъмоли ва келажакда ўсиши ўртасида зарур мутаносибликни ўрнатиш, корхоналарнинг бозор қийматини ошириш ва унинг стратегик ривожланишини таъминлаш

1-расм. Дивиденд сиёсатининг роли ва мақсади¹

Дивиденд сиёсатининг роли ва унинг мақсади юқоридаги 1 расмда келтириб ўтилган.

Ривожланган мамлакатлар корхоналарида оптимал дивиденд сиёсатини шакллантириш бўйича назарий тадқиқотлар олиб борилган.

Дивиденд сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ энг тарқалган назариялар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Дивидендларнинг мустақиллик назарияси

Унинг муаллифлари – Ф.Модильяни ва М.Миллернинг таъкидлашича, танланган дивиденд сиёсати на корхонанинг бозор қийматига (акциялар нархига), на жорий ва истикбол даврда мулкдорлар фаровонлигига таъсир кўрсатмайди, чунки бу кўрсаткичлар тақсимланадиган эмас, балки шакллантириладиган фойда миқдорига боғлиқ бўлади.

⁷⁵ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Бу назарияга мувофиқ дивиденд сиёсатиға фойдани бошқариш механизмида пассив роль ажратилади. Бунда улар ўз назариясини фойдани бошқариш реал амалиётида таъминлаб бўлмайдиган кўп сонли чекловларни амалга оширади. Амалий фойдаланиш борасидаги заифлигига қарамай, Ф.Модильяни ва М.Миллер назарияси дивиденд сиёсатини шакллантириш механизмининг оптимал ечимларини излаб топишда бошланғич нуқтага айланди.

2. Дивидендларнинг афзаллик назарияси (ёки «узокдаги кўйрукдан яқиндаги ўпка яхши»).

Унинг муаллифлари – М.Гордон ва Д.Линтнернинг таъкидлашича, жорий даромаднинг ҳар битта бирлиги унинг «рискдан тозалангани» туфайли келажакка олиб кўйилган даромадга нисбатан унга хос бўлган риск туфайли доимо қимматроқ туради. Ушбу назариядан келиб чиқадиган бўлсак, дивиденд тўловларини максималлаштириш фойдани капиталлаштиришдан кўра афзалроқ саналади.

Бироқ бу назарияга қарши бўлганлар кўпчилик ҳолларда дивидендлар шаклида олинган даромад барибир ўзининг ёки унга ўхшаш акциядорлик жамиятининг акцияларига қайта инвестиция қилинади, бу эса риск омилидан у ёки бу дивиденд сиёсати фойдасига далил сифатида фойдаланишга имкон бермайди деб таъкидлайди.

3. Дивидендларни минималлаштириш назарияси (ёки «солиқларни афзал кўриш назарияси»).

Ушбу назарияга мувофиқ дивиденд сиёсати самарадорлиги мулкдорларнинг жорий ва кутилаётган даромадлари бўйича солиқ тўловларини минималлаштириш мезони билан белгиланади.

Дивидендлар шаклида олинмайдиган жорий даромадларни солиққа тортиш ҳар доим кутилаётган даромадларни солиққа тортишдан катта миқдорда бўлиши сабабли дивиденд сиёсати дивиденд тўловларини минималлаштириш, мос равишда, мулкдорлар умумий даромадининг энг юқори солиқ ҳимоясини олиш учун фойданинг капиталлашувини максимал қилишни таъминлаши лозим.

Бироқ дивиденд сиёсатиға бундай ёндашув даромад даражаси паст бўлган, дивиденд тўловлари шаклида жорий даромад тушумларига мунтазам эҳтиёж сезадиган кўп сонли миноритар акциядорларни қониктирмайди.

4. Дивидендларнинг сигнал назарияси (сигнал бериш, огоҳлантириш назарияси).

Мазкур назария акциялар жорий реал бозор қийматини баҳолашнинг асосий моделлари базис элемент сифатида улар бўйича тўланадиган дивидендлар ҳажмидан фойдаланишига асосланади.

Дивиденд тўловлари ўсиши автоматик равишда акциялар реал қиймати, мос равишда котировка қилинадиган бозор қиймати ўсишини белгилаб беради, бу эса уларни сотишда акциядорларга кўшимча даромад келтиради.

Бундан ташқари, катта дивидендлар тўланиши шундан «огоҳлантирадики», корхона кўтарилиш ва яқин келажакда фойданинг сезиларли ўсишидан далолат беради.

Бу назария тезкор олинган ахборот акцияларнинг бозор қиймати ўзгаришларига жиддий таъсир кўрсатадиган фонд бозорларининг «очиклик» даражаси юқорилиги билан чамбарчас боғлиқ.

5. Дивидендларнинг инвестицион назарияси. Унинг муаллифи Дж.Уолтер бўлиб, унинг фикрича, корхонанинг бозор қийматини максималлаштирган ҳолда дивиденд сиёсати билан унинг инвестицион фаолияти даромадлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда эришилади деб таъкидлайди.

Агар корхона инвестицияларининг даромадлилик даражаси унинг акциялари даромадлилик даражасидан ортиқ бўлса, дивиденд тўловлари ҳажми камайиши мумкин. Аксинча, корхона инвестицияларининг даромадлилик даражаси унинг акциялари даромадлилик даражасидан паст бўлса, дивиденд тўловлари ҳажми ўсиши мумкин.

6. Дивиденд сиёсатининг акциядорлар таркибига мувофиқлик назарияси (ёки «мижозлар назарияси»).

Ушбу назарияга мувофиқ компания акциядорларнинг кўпчилиги кутаётган натижаларга, уларнинг менталитетига мос келадиган дивиденд сиёсатини амалга ошириши лозим. Агар акциядорларнинг асосий таркиби жорий даромадни афзал кўрадиган бўлса, дивиденд сиёсати фойдани асосан жорий истеъмол мақсадларига йўналтиришдан келиб чиқиши лозим.

Аксинча, акциядорларнинг асосий таркиби кутилаётган даромадларни оширишни афзал кўрадиган бўлса, дивиденд сиёсати асосан фойдани тақсимлаш жараёнида уни капиталлаштиришга ҳаракат қилади. Акциядорларнинг бу дивиденд сиёсатига рози бўлмаган қисми ўз капиталини бошқа компаниялар акцияларига қайта инвестициялайди, натижада «мижозлар» таркиби анча бир хиллашади.

Бу назариялардан амалда фойдаланиш дивиденд сиёсатини шакллантиришга учта – «консерватив», «ўртача (муросали)» ва «агрессив» ёндашувни ишлаб чиқишга имкон берди. Бу ёндашувларнинг ҳар бирига дивиденд сиёсатининг белгиланган тури мос келади:

1. Дивиденд тўловлари қолдиқ сиёсатида дивиденд тўловлари корхонанинг инвестицион имкониятларини тўлиқ ҳажмда амалга оширишни таъминлайдиган ўз молиявий ресурсларини шакллантиришга эҳтиёж фойда ҳисобига қондирилгандан сўнг ташкил топиши кўзда тутилади.

Агар мавжуд инвестиция лойиҳалари бўйича даромадлилик ички ставкаси даражаси ўртача капитал қийматидан юқори бўлса, фойданинг асосий қисми бундай лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиши лозим, чунки у мулкдорлар капиталининг ўсиш суръатини таъминлайди.

Бу турдаги сиёсатнинг афзаллиги шундаки акциядорлик жамияти, ривожланишининг юқори суръатлари, унинг молиявий барқарорлигининг ўсиши таъминланади. Ушбу сиёсатнинг асосий камчилиги эса дивиденд тўловларининг бекарорлиги, келгуси даврда уларнинг шаклланадиган ҳажмини олдиндан белгилаш имконининг мавжуд эмаслиги ва ҳаттоки инвестиция имкониятлари юқори бўлган даврда уларнинг рад қилинишидан иборат бўлиб,

бу акциялар бозор нархи даражасининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай дивиденд сиёсати одатда акциядорлик жамиятлари ҳаётийлик даврининг инвестицион фаоллик даражаси юқори бўлган илк босқичларидагина фойдаланилади.

2. Дивиденд тўловлари барқарор ҳажми сиёсатида узоқ вақт давомида тўланадиган дивидендлар миқдорининг ўзгармаслиги кўзда тутилади (инфляция суръати юқори бўлганда дивиденд тўловларига инфляция индексига қараб ўзгартиришлар киритилади).

Бу сиёсатнинг афзаллиги унинг ишончилиги ҳисобланади, бу эса акциядорларда турли вазиятлардан қатъи назар жорий даромад ҳажми ўзгармаслигига амин бўлиш ҳиссини шакллантиради, фонд бозорида акциялар котировкаси барқарорлигини белгилаб беради.

Бу сиёсатнинг камчилиги эса, унинг акциядорлик жамият молиявий фаолияти натижалари сустиги ҳисобланади, шу боисдан шаклланадиган фойда ҳажми кичик бўлган ва ноқулай конъюнктура даврида инвестиция фаолияти нолга келтирилиши мумкин.

Бундай салбий оқибатларга йўл қўймаслик учун дивиденд тўловлари барқарор ҳажми одатда, нисбатан паст даражада белгиланади ва бу дивиденд сиёсатининг ушбу турини ўз капиталининг ўсиш суръати етарли эмаслиги сабабли акциядорлик жамияти молиявий барқарорлигининг пасайиш рискинни минималлаштирадиган консерватив тоифага киритади.

3. Минимал барқарор дивидендлар ҳажми сиёсати (ёки «экстра-дивиденд» сиёсати) кенг тарқалган. Унинг афзаллиги инвестицион фаоллик даражасини пасайтирмаган ҳолда қулай хўжалик конъюнктураси даврида дивидендлар ҳажмини оширишга имкон берадиган акциядорлик жамиятлари молиявий фаолияти натижалари билан кучли алоқада кўзда тутилган минимал ҳажмда кафолатланган барқарор дивиденд тўловлари ҳажми ҳисобланади. Бундай дивиденд сиёсати фойдани шакллантириш ҳажми динамикасида барқарор бўлмаган акциядорлик жамиятларда энг кўп самара беради. Ушбу сиёсатнинг асосий камчилиги дивидендлар минимал ҳажми узоқ вақт давомида тўланганда компания акцияларининг инвестицион жозибadorлиги пасаяди ва мос равишда уларнинг бозор қиймати тушиб кетади.

4. Дивидендлар барқарор даражаси сиёсатида фойда миқдorigа нисбатан дивиденд тўловлари узоқ муддатли меъёрий коэффициентини белгилаш кўзда тутилади. Бу сиёсатнинг афзаллиги уни шакллантиришнинг соддалиги ва шаклланадиган фойда ҳажми билан чамбарчас алоқаси ҳисобланади.

Шу билан бирга унинг асосий камчилиги шаклланадиган фойда миқдори беқарорлиги билан изоҳланадиган битта акцияга тўғри келадиган дивиденд тўловлари ҳажмининг беқарорлиги ҳисобланади.

Бундай беқарорлик алоҳида даврлар бўйича акциялар бозор қийматида кескин ўзгаришларга сабабчи бўлади, бу эса бундай сиёсатни амалга ошириш

жараёнида корхонанинг бозор қийматини максималлаштиришга тўсқинлик қилади.

Дивиденд тўловларининг юқори даражаси ҳам бундай сиёсат одатда рискдан қочадиган инвесторларни (акциядорларни) жалб қила олмайди. Фақат барқарор фойдага эга бўлган етук компанияларгина бу турдаги дивиденд сиёсатини амалга ошириши мумкин; агар фойда ҳажми динамикасида турли вариантларда сезиларли ўзгарадиган бўлса, бу сиёсат банкрот хавфи юқори бўлишига сабабчи бўлади.


5. Дивидендлар ҳажмини доимий ошириш сиёсатида («йиллик дивидендларни ҳеч қачон пасайтирма» шиори остида амалга оширилади) битта акцияга тўғри келадиган дивиденд тўловлари даражасининг барқарор ўсиб бориши кўзда тутилади.

Бу сиёсатни амалга оширишда дивидендларнинг ўсиши қоидага кўра, бундан олдинги даврдаги уларнинг ҳажмига нисбатан ўсиш қатъий белгиланган фоизида рўй беради (бундай компаниялар акцияларининг бозор қийматини белгилаб берадиган «Гордон модели» шу тамойилга асосланади). Бундай сиёсатнинг афзаллиги компания акциялари бозор қийматининг юқори бўлишини таъминлаш ва қўшимча эмиссияларда салоҳиятли инвесторлар нигоҳида унинг ижобий имиджини шакллантириш ҳисобланади.

Ушбу сиёсатга хос бўлган камчилик эса уни ўтказишда мослашувчанликнинг мавжуд эмаслиги ва молиявий тангликнинг доимий ўсиб бориши ҳисобланади – агар дивиденд тўловлари коэффицентининг ўсиш суръати кўтариладиган бўлса (яъни дивиденд тўловлари фонди фойда микдоридан тезроқ ўсадиган бўлса), корхонанинг инвестицион фаоллиги қисқаради, молиявий барқарорлик коэффицентлари (бошқа барча шартлар бир хил бўлганда) эса пасаяди.

Шу сабабли бундай самарали дивиденд сиёсатини фақат молиявий барқарор акциядорлик компаниялари амалга ошира олади – агарда бу сиёсат корхона фойдасининг доимий ўсиши билан таъминланган бўлмаса, бу уни банкротга олиб бориши муқаррар.

Фикримизча, акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсати куйидаги келтирилган кетма-кетликда шакллантириш мақсадга мувофиқдир (2-расм).



2-расм. Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини амалга ошириш босқичлари¹

Хулоса қилиб айтиш жоизки, дивиденд сиёсати фойдаланувчиси акциядорлик жамиятлари учун муҳим бўлибгина қолмай, балки ташқи инвесторлар учун ҳам муҳим ҳисобланади. Кўпгина инвесторлар учун акциядорлик жамиятлари томонидан тўланадиган дивидендлар миқдори эмитентнинг акцияларини сотиб олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, сотиб олишдан олдин инвестор танланган компаниянинг дивиденд сиёсатини ўрганади ва одатда бундай маълумотлар акциядорлик жамиятларининг манбаларида очиқ маълумот сифатида жойлаштирилиши лозим.

*Б. Таибоев, тадқиқотчи,
ТДИУ*

РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Иқтисодий муносабатларни ривожлантириш шароитида ҳар бир корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун уни таҳлил қилиш йўллари яхши билишни, унинг ҳар бир жиҳатини яхшилаш учун эса,

⁷⁶ Муаллиф томонидан тузилди